# ШАРТНОМА № 22-1

**Нурафшон шахар** **2022 йил “22”август**

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган **ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ** номидан Низом асосида иш кўрувчи М.Мирсултонов бир томондан ва кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб юритиладиган **ООО “THE GREAT VICTORY”** номидан Низом асосида иш кўрувчи Г.Усманова иккинчи томондан мазкур шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. Шартнома предмети

1. Етказиб берувчи мазкур шартноманинг 1-иловасида келтирилган техник шартларга мувофиқ махсус логотип туширилган футболка ва кепкалар етказиб бериш (кейинги ўринларда – ишларни бажариш) мажбуриятларини, Буюртмачи эса Етказиб берувчига етказилган махсулотларини кабул килиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартноманинг 1 -иловасига мувофиқ Бажарувчи томонидан бажариладиган, энг яхши таклифларни танлаш савдоси натижасида аниқланиб, Харид комиссиясининг қарори (2022 йил 17 август “134118”-сонли баённома) билан тасдиқланган махсус логотип туширилган футболка ва кепкалар 92 500 000(тўқсон икки миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Махсулотлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

махсулотлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

махсулотлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

махсулотларни етказиш бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.3. Махсулотлар етказиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Етказиб берувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. Етказиб берувчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган товарларни етказиб бериш ва ишларни бажариш учун:

унга ушбу шартномада назарда тутилган дастлабки тўлов амалга оширилган санадан бошлаб 7 (етти) иш кунида Алохида дизайн асосида белгиланган ўлчамлар билан тез ва сифатли баннер ясатиш ва ўрнатиш ишларини ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда сифатли бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 Етказиб берувчи мазкур шартнома бўйича барча махсулотларни уз вактида етказиб бериши топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. Етказиб берувчи нинг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани шартларини бажариш учун Буюртмачи:

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган Етказиб берувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Етказиб берувчидан махсулотни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Етказиб берувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

ушбу шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни ҳақини Етказиб берувчига тўлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. Етказиб берувчи муддатлари

5.1. Мазкур шартнома ғазначилик органида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар, бироқ тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

5.2. Етказиб берувчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

## VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. Буюртмачи Етказиб берувчига шартнома буйича махсулотнинг умумий, шартномавий-жорий кийматининг 30 фоизи 27 750 000 сўм микдорида маблағни олдиндан ўтказиб беради.

6.2. Шартнома бўйича ишларни бажаришнинг умумий қийматининг 70 фоизи 64 750 000 сўм тўлов Буюртмачи ва Етказиб берувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан кейин 10 (ўн) кун ичида амалга оширади.

6.3. Етказиб берувчи махсулотни Буюртмачига фойдаланишга тупширгунига қадар мазкур шартнома бўйича махсулотнинг мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Махсулотлар Буюртмачига топширилгунга қадар махсулотларнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Етказиб берувчининг зиммасида бўлади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Етказиб берувчи томонидан етказилган махсулот учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VII. Ишларни бажариш

7.1. Агар Буюртмачи Етказиб берувчи томонидан товар (хизмат)ларнинг сифатсизлигини аниқласа, у ҳолда Етказиб берувчи товар (хизмат)ларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.3. Агар Етказиб берувчи сифатсиз товар (хизмат)ларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Етказиб берувчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.4. Етказиб берувчи Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Етказиб берувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## IX. Шартномани бекор қилиш

9.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин товар(хизмат)ларнинг келиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Етказиб берувчи томонидан 5 (беш) кундан кўп вақтга кечиктирилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Етказиб берувчи:

Товар(хизмат)лар Етказиб берувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Етказиб берувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ишларни 5 (беш) кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи етказилган махсулт қийматини Етказиб берувчига тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

9.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**X. Низоларни ҳал этиш тартиби**

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарнинг юридик манзили бўйича иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

**XI. Алоҳида шартлар**

11.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Буюртмачи билан Етказиб берувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

11.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

**XII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

| Буюртмачи: | Етказиб берувчи: |
|---|---|
| <u>Ёшлар ишлари агентлиги</u> | <u>ООО «THE GREAT VICTORY»</u> |
| Адрес:г.Нурафшан Ташкент йули60<br>ИНН:207327017  ИНН:201122919<br>р/с:23402000300100001010<br>р/с: 401021860274017049996225001<br>Банк:Марказий банк ХККМ<br>Молия вазирлиги Газначилик булинмаси | Адрес: Ташкентский обл. г.Нурафшон<br>Р/с: 20208000405441994001<br>Банк: "HAMKORBANK" АТБ<br>МФО: 01181<br>ИНН: 308872864 |
| М.Мирсултонов | Г.Усманова |

Юрист Н.Шайимова

**ООО “THE GREAT VICTORY”** ва
**TOSHKENT VILOYATI YOSHLAR ISHLARI**
**AGENTLIGI** ўртасида 22.08.2022йилда тузилган
№22-1 шартномага 1 илова

**ООО “THE GREAT VICTORY”** ва **TOSHKENT VILOYATI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI** ўртасида 22.08.2022йилда тузилган №22-1 шартномага 1 илова

| Т/р | Махсулот хизмат номи | Ед.изм | сони | нархи | сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Махсус логотип туширилган футболкалар | дона | 1250 | 42 000,00 | 52 500 000,00 |
| 2 | Махсус логотип туширилган кепкалар | дона | 1250 | 32 000,00 | 40 000 000,00 |

**Буюртмачи:**
**Ёшлар ишлари агентлиги**

М.Мирсултонов

**Етказиб берувчи:**
**ООО “THE GREAT VICTORY”**

Г.Усманова

юрист Н.Шаймова

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Танлов комиссиясининг раҳбари**
**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар**
**ишлари агентлиги Тошкент вилояти**
**бошқармаси бошлиғи**
**_____________ М.Мирсултонов**
**“ 22 ” август 2022 йил**

**Нурафшон ш.**

Тошкент вилояти Ёшлар Ишлари Агентлиги бошқармасида махсус ички комиссия йиғининг
**8-сонли БАЁННОМАСИ**

Комиссия азолари:
1. М.Мирсултонов-Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси
2. М.Хамзаев - Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилоят Махаладаги Ёшлар етакчилари билан ишлаш бўлими мудири комиссия аъзоси
3. Н.Маматмуродова - Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармаси Ахборот-тахлил ва ижро назорати бўйича мутахассис комиссия аъзоси
4. М.Исломов- Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармаси хўжалик ишлари бўйича мудири, комиссия аъзоси
5. С.Отабеков- Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармаси Та’лим муассасаларда ёшлар билан ишлаш ва волонтёрлик фаолиятини ривожлантириш бўйича мутахассис, комиссия аъзоси

**КУН ТАРТИБИ:**

Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармасида ўтказиладиган тадбирлар учун махсус логотип туширилган футболка ва кепкалар сотиб олиш.

Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармаси харид.узех.уз орқали энг яхши таклифни танлаш тури орқали 09.08.2022-йил №22110012134118лот рақами оргали 100000000 сўмлик махсус логотип туширилган футболка ва кепкалар сотиб олиш бўйича танловга элон жойлаштирилган. Танлов буйича электрон тижорат таклифларини қабул қилишнинг охирги санаси 16.08.2022-йил бўлган. Танлов бўйича электрон тижорат таклифларини қабул қилиш 2021-йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли гонуннинг 58-моддаси табларила мос келади. 2022-йил 09.08.2022 дан 16.08.2022 га қадар танловда иштирок этиш учун 2та корхона элктрон тижорат таклифини қабул қилинган МЧЖ THE GREAT VICTORY, ЧП NAVOIY ELEKTRO PRODUCT лар ўз таклифлари билан иштирок этган. Танлов ўтказиш бўйича 6 кишидан иборат харид комиссияси тузилган бўлиб, танлов ғолибини аниқлаш бўйича танлаш ўтказишда 2 киши иштирок эткан ва баённома электрон равишда тузиб, элктрон рагамли имзолар
билан тасдиқланган. Бу 2021-йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуннинг58-моддасига мос келади. Танлаш натижаси балл методи асосида бахоланган бўлиб, танлов натижаларига кора МЧЖ THE GREAT VICTORY ғолиб деб топилган. 17.08.2022-йилда № 134118 электрон тузилагн баёнома икки иш куни давомида мухокамага қўйилиб хеч қандай этироз келиб тушмади. Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармасида доими ишловчи коммиссия раиси М.Мирсултонов комиссия азолари М.Хамзаев, Н.Маматмуродова, М.Исломов,С.Отабековлар иштирок этди.

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ёшлар ишлари агентлиги вилояти бошқармаси махсус логотип туширилган футболка ва кепкалар сотиб олишда МЧЖ THE GREAT VICTORY ғолиб деб топилди

Комиссия азолари:

Ёшлар ишлари агентлиги
Тошкент вилоят Махаладаги
Ёшлар етакчилари билан ишлаш
бўлими мудири комиссия аъзоси: М.Хамзаев

Ёшлар ишлари агентлиги
вилояти бошқармаси Ахборот-
тахлил ва ижро назорати бўйича
мутахассис комиссия аъзоси: Н.Маматмуродова

Ёшлар ишлари агентлиги вилояти
бошқармаси хўжалик ишлари бўйича
мудири, комиссия аъзоси: М.Исломов

Ёшлар ишлари агентлиги вилояти
бошқармаси Таьлим муассасаларда
ёшлар билан ишлаш ва волонёрлик
фаолиятини ривожлантириш
бўйича мутахассис, комиссия аъзоси: С.Отабеков

4426233

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"THE-GREAT-VICTORY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"THE-GREAT-VICTORY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.09.2021 | 1039929 | ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308872864

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Nurafshon shahri, Obod mfy M.Ulug'bek ko'chasi 63-uy,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Nurafshon shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):